Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 200 (4598).
3 СЕНТЯБРЬ 1981 й.
ПАЙШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

ЖЎНАТИШГА ТАХТ

Шу кунларда шаҳримизнинг «Компрессор» заводи коллективи КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини муваффақият билан амалга ошира бориб, қувончли натижаларга эришмоқда. Коллектив пойтахтимиздаги бошқа корхоналар сингари социалистик мусобақада актив иштирок этмоқда. Мусобақа яхши ташкил этилганлиги учун ҳам юксак меҳнат унумдорлигига эришилмоқда.

Завод ўз маҳсулотларини иттифоқимиздан ташқари хорижий мамлакатларга ҳам мунтазам экспорт қилиб турмоқда. Бу маҳсулотлар аллақачон хорижий буюртмачиларнинг эътиёжини қозонган. Ўтган саккиз йил мобайнида завод Чехословакия, Венгрия, Монголия, Куба республикаларига «ПР—10М» маркадаги компрессор станцияларидан 150 дона жўнатди.

БУГУН

корхона ана шундай станциялардан яна ўнтасини экспорт қилишга тахт қилиб қўйди. Маҳсулотнинг ушбу янги туркуми Германия Демократик Республикасига жўнатилади.

ЯНГИ БЎЛИМ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси «Қишлоқ хўжалиги» павильонида янги «Пахта тозалаш саноати» бўлими очилди.

Катта ва серқирра экспозициядан иборат ушбу бўлим пахта тозалаш саноати, тарихи ҳақида, пахта тозалаш марказий илмий-текширув институти фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Павильонда очилган «Ғалла» бўлими ҳам ташрифчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳар ҳафта Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси экспонатлари билан ўн мингга яқин киши бориб танишади.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

БУГУН

серқуёш республикамиз пойтахтида Москвадаги Ленин комсомоли номли театр коллективининг гастроллари бошланади. Етук санъат масканининг ижодкорлари бир неча кун мобайнида В. И. Ленин номли Халқлар дўстлиги саройининг сахнасида ва бир қанча санъат масканларида маҳоратларини намойиш этадилар. Шу муносабат билан театр директори Феликс Яковлевич Марголин мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Театр коллективи Тошкентда биринчи марта гастролини бошлаётганилан беҳад мамнун. Сафаримизнинг биринчи куни М. Шатровнинг «Революция этюди» асари томошабинлар диққатига ҳавола этилади. Бу спектакль В. И. Ленин номли Халқлар дўстлиги саройида кўрсатилади.

Биз Тошкент сафарига театр репертуаридаги бир қатор сара асарларни олиб келганмиз. Улар «Хоакин Мурьетининг юлдузи ва ўлими», «Иваново», «Юнона ва таваккалчилик», «Тиль», «Одамлар ва қушлар» каби спектакклардир. Театримиз коллективи гастролини айни пайтда Свердлов номли концерт залида ва Навоий номли театр сахнасида ҳам давом эттиради.

Бундан ташқари саноат корхоналарида ишчиларга спектаккларимиз кўрсатилиши юзасидан шароит яратиб берилганлиги учун ҳам мамнунмиз.

— Театр коллективининг босиб ўтган ижодий йўли ҳақида гапириб беролмайсизми?

— Театр 1927 йилда ташкил топган. Ўша йилиёқ томошабинлар ҳурматига сазовор бўлган. Коллектив узоқ йиллар мобайнида янги ҳаёт қурилишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида томошабинга манзур бўладиган агитацион спектакллар яратиш билан шуғулланган. 1932 йилда бу даргоҳга Москвадаги Кичик академик бадиий театрининг энг етук актёрлари (В. Станицин, Н. Баталов, Н. Ҳмелов, И. Судаков ва бошқалар) ишга таклиф қилинган. Театр коллективи қисқа вақт ичида замондошларининг таниш образларини яратиш билан кифояланиб қолмай, балки классик драматургиянинг қаҳрамонлари образларини ҳам саҳнага олиб чиқа бошлади. (А. Островский, Лев Толстой, Гольдони асарлари бўйича). 1938 йилда театрга Ленин комсомоли номи берилди. Ўша кезларда Б. Горбатов, В. Лавренев, А. Ромашов, В. Киршон, Н. Островский, А. Арбузов каби машҳур ёзувчи ва драматургларнинг номи театр афишаларида тез-тез кўзга ташлана бошлади. Константин Симоновнинг «Шаҳримиздан чиққан йигит» пьесаси бўйича тайёрланган спектакль театрнинг эришган ижодий ютуқларидан бири бўлди. Кейинчалик К. Симонов театр билан яқин ижодий муносабатда ишлаб қатор асарларини тавсия этди. «Шундай бўлади», «Рус масаласи», «Прага каштанлари остида» ва бошқа асарлар шулар жумласиндир. Ватанимиз ва чет эл классик драматургиясининг энг яхши сара асарларини сахналаштириш театрга қатор шуҳрат олиб кела бошлади. Улар Ибсеннинг «Нора», М. Горькийнинг «Васса Железнова», «Зиковлар», Л. Толстойнинг «Тирик мурда», Лопе де Веганинг «Валенсиан беваси» каби асарларидир.

1949 йилда режиссёр С. В. Гиацинтова «Онда» спектаклини сахналаштириб, унда В. И. Ленининг онаси — М. А. Ульяновانинг ролини юксак маҳорат билан ижро этди. Спектаклининг марказида В. И. Ленининг ёрқин образи туради. Бу образда революцион голларнинг камол топиш даври акс эттирилган.

Кейинги 50 ва 60-йилларда ижодий коллектив ўз даврининг гояларини саҳна тили билан ифодалаш мақсадида янги-янги тасвир воситаларни излаб топа бошлади. Айниқса В. Розовнинг «Тўй кунида», А. Арбузовнинг «Менинг бечора Маратим», Э. Радзинскийнинг «Муҳаббат ҳақида 104 саҳифа» ва «Кино суратга олинмоқда» каби машҳур спектакларни айтиб ўтиш мумкин.

Театр коллективи жамоатчилик билан ижодий муносабатларни кенгайтириш мақсадида доимо катта гастроль сафарларини ўтказишга ва оталик ишларини олиб боришга аҳамият беради. Совет Иттифоқининг ва чет эл мамлакатларининг қиёмат шаҳарида муваффақиятли гастроль ўтказилган. Ленин комсомоли номли театр коллективи совет театр санъатини ривожлантиришдаги кўшган катта ҳиссаси учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланган.

Сизнинг шаҳрингизда ўтказадиган гастролимизда спектакларимиз томошабинларга манзур бўлса, ўз олдимизга кўйган вазифамизни шараф билан бажара олдик, деб ҳисоблаймиз.

Суҳбатни
А. ПУЛАТОВ
ёзиб олди.

• КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА

• БУНЁДКОРЛАР ЗАРБДОР ВАХТАСИ

• ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

Пойтахтимизнинг бир куни

Қурилиш майдонида

ЙИЛЛИК ПЛАН—7 НОЯБРГА

Шаҳримизнинг кўпгина корхоналари сингари Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи ҳам КПСС XXVI съезди белгилаб берган тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун фидойилик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Айниқса, 2-тўқув фабрикасининг калавалаш-тандалаш цехи ишчилари бу борада хайрли ишларни бажармоқдалар.

Улар йиллик план-топшириқларини Октябрь революцияси кунигача бажаришга сўз беришган. Цех комсомол-ёшларидан бири бўлмиш Ҳ. Ўрмонова қўлга киритаётган ютуқлар бу ерда барчани қувонтирмоқда. У кунлик нормадаги 67 минг метр ўрнига 75—80 минг метр калавани тандаламоқда. Ҳ. Ўрмонова йиллик планни 7 ноябргача бажариш учун астойдил бел боғлаган.

Ҳозир унинг меҳнат календарида октябрь ойи бошланай деб турибди.

КОЛЛЕКТИВ ҒАЙРАТИ

Шу кунларда пойтахтимизнинг қатор массивларида бўлгани каби тракторсозлар 4-массивида ҳам шаҳримиз бинокорлари қизғин қурилиш ишларини олиб бормоқдалар. Бу ерда кад ростлаётган осмонўпар бинолар, кўркам истиқомат масканлари массив чиройини ошириб юбормоқда.

Бу ерда ғайрат кўрсатиб ишлаётган Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 2-уйсозлик комбинатининг 4-бошқармаси қурувчиларининг хизмати таҳсинга лойиқ бўлмоқда. Айниқса, А. Пименов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси кўпгина қиритаётган кўрсаткичлар қувончли бўлмоқда. Ушбу бригада шаҳримизнинг турли районларида янги-янги уйларни қуришда фаол иштирок этган коллективлардан биридир.

Айни пайтда мазкур коллектив тракторсозлар 4-массивида 88 хонадонга мўлжалланган 9 қаватли янги турар-жой биноси қурилишини қизғин олиб бормоқда.

БУГУН

ана шу истиқомат биносида 25-қурилиш трестининг пардозлаш бригадалари иш бошлашди.

Қурувчилар йиллик планни Улуғ Октябрь социалистик революцияси 64 йиллиги кунигача бажариш учун жонбозлик кўрсатишмоқда.



«Ўртоқ» кондитер фабрикасида цехларни реконструкциялаш ва уларни янги техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда.
СУРАТДА: қайта реконструкция қилинган участканинг кўриниши.
М. Нуриддинов фотоси.

ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИГА

БУГУН

пойтахтимизнинг Фрунзе райони корхоналари ва ташкилотлари ишчиларидан тузилган ҳашарчилар бригадаси Жиззах областидаги оталиқдаги хўжаликларга жўнаб кетди. Ушбу группа аъзолари Жиззах, Дўстлик, Зарбдор районлари механизаторларига «зангори кема»ларни пахта йиғим-теримга шай қилиб қўйиш ишида ёрдам беради. Ҳар йили пойтахтимиз корхоналаридан худди шундай кўплаб ҳашарчилар бригадалари Жиззах, Сирдарё областларидаги районларда деҳқонлар оғирини енгил қилади.

Мазкур бригада слесарь, механиклардан тузилган бўлиб, улар автолегучкалар, пайвандлаш агрегатлари билан бирга деҳқонлар ҳузурига ташриф буюришади.

Шу кеча кундузда пойтахтимизнинг Куйбишев райони корхоналари ишчиларидан тузилган группа ҳам йўлга тушишга ҳозирлик кўрмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ҲАР БИР КУН ҒАНИМАТ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов раислигида шаҳар хўжалигини қишга тайёрлаш бўйича штабнинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Акмал Икромов номидаги район ва лакбўёқ заводида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши кўриб чиқилди.

Уй-жой фондини совуқ кунларга тайёрлашда ҳал қилувчи давр бошланди. Айни сентябрь ойида ремонт ишларини, иситиш системаси профилактикасини, ертўлаларни, зинапояларни тартибга келтиришни, подъездларни ойналашни ниҳоясига етказиш зарур. Ана шу тадбирларнинг барчаси Акмал Икромов номида босқичма-босқич бажарилянти. Томларни, йўлкаларни, квартира ва подъездларни ремонт қилиш белгиланган план асосида олиб борилянти.

Айниқса Чилонзорнинг 26 ва 14-кварталларига хизмат кўрсатувчи 47 ва 32-уй-жойлардан фойдаланиш участкаларида иш яхши кетянти. Ана шу ишки микрорайонда «Намунали тартиб ва юқори турмуш маданияти квартали» номи учун ҳаракат кенг қулоч ёйган.

Шу билан бирга шаҳар штабида таъкидландики, Акмал Икромов районида қишга тайёргарликда ҳали қатор камчиликлар бор. Капитал ремонти ёмон борянти. Масалан, 25-кварталдаги 6, 12-кварталдаги 16, 24-кварталдаги 5 ва 37-уйлар график бўйича июнь ойида топширилиши керак эди. Бироқ улардаги иш ҳамон ниҳоясига етказилгани йўқ.

Текширишдан маълум бўлдики, 61,25, 11-ЖЭУлардаги аҳвол кўнгилдагидек эмас. Кўпгина уйларнинг ертўлалари ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлиб, улардан айримларини ирригация тармоғидаги нуқсонлар туфайли сув босган. Афсуски, ана шу камчиликлар аллақачон бартараф этилиши керак эди. Совуқ кунлар тушишига ғоят қисқа вақт қолди. Шу боисдан ҳар бир кундан самарали фойдаланиб, ремонт ишлари графигига тўла риоя этиш лозим.

ЯПОНИЯ УЧУН ЭКСПОНАТЛАР

БУГУН

СССР Фанлар академияси этнография институти мутахассислари эрамизнинг I-III асрлари Ўрта Осиё ҳайкалтарошлик санъатининг ажойиб намунаси бўлмиш «Триада»нинг янги кўчирма нусхаси устида олиб борилаётган ишларини ниҳоясига етказдилар. Ёдгорликнинг ушбу кўчирма нусхаси октябрь ойида Японияда очиладиган «Европа, Осиё кўчманчи халқлари» совет археологик - этнографик кўргазмасида намойиш қилинади.

Ёдгорликнинг асл нусхаси айни пайтда М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейида сақланмоқда. Мазкур ёдгорлик қадимий Термизнинг шимоли-ғарбий томонида Фаёзтепа ибодатхонасида олиб борилган қазишмалар натижасида топилган.

Японияда очиладиган кўргазмада шунингдек, диёримиз ўтмиши, маданияти ва тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи юзлаб экспонатлар ва амалий санъат намуналари ҳам намойиш қилинади.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари Вьетнам халқининг миллий байрами — республика эълон қилинган кунни тантанали равишда нишонладилар. 2 сентябрь куни Тошкентда шаҳар жамоатчилиги намояндаларининг ана шу шонли санага бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда республика пойтахтидаги ўқув юртларида таълим олаётган вьетнамлик йигит ва қизлар ҳам иштирок этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Ханойдаги Вьетнам — Совет дўстлиги жамияти номига мактуб йўлладилар. Бу мактубда ўз ватанининг порлоқ келажаги учун курашда қаҳрамон Вьетнам халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилаб билдирилган истаклар изҳор этилган.

(ЎзТАГ).

тонгги газеталарда

● Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвадаги учинчи Халқаро китоб кўргазма-ярмар к а с и нинг қатнашчилари ва меҳмонларига йўлланган табриги эълон қилинган.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент область партия комитетининг 1981 йилги пахта ҳосилини қисқа муддатларда териб олишга ҳозирлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга доир тадбирларини маъқуллади.

● Бангладеш Халқ миллий партияси делегацияси Ўзбекистонга келди.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, В. И. Ленин Марказий музейи филиалида бўлдилар. Делегация 2 сентябрь куни Тошкент шаҳар партия комитетида қабул қилинди.

● 2 сентябрь куни Тошкентда Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Польша, Руминия, Чехословакия ва Совет Иттифоқи касаба союз марказлари секретарларининг халқаро кенгаши ўз ишини бошлади.

ШАҲРИМИЗДА БИРИНЧИ

БУГУН

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 11-«Висотстрой» трестининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Қорабоев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси пойтахтимизнинг Пушкин кўчасида янги серияда 16 қаватли турар жой биноси пойдеворини қуйиш ишларини ниҳоясига етказди.

Ана шу уй шаҳримизда биринчи марта қурилаётган 16 қаватли уйлар сериясига киради. Бригада, айни пайтда Злобин методи асосида меҳнат қилмоқда. Бу ўз навбатида катта самаралар бермоқда. Бригада коллективининг аҳди қатъий. Қурувчилар йиллик планни 7 ноябргача ошдалаш учун тер тўкишмоқда.

Айниқса, О. Киршинкан, О. Бозорбоев, А. Ҳакимов, Д. Бобомуродов сингари бинокорларнинг меҳнати коллектив эътиборини қозонмоқда.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ XVII ЧАҚИРИҚ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ VIII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Халқ депутатлари XVII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг VIII сессияси 1981 йил 21 сентябрда чақирилсин.

Шаҳар Совети муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. КПСС XXVI съезди талаблари асосида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг қишга сифатли тайёргарлик кўриш, уй-жой фондини бундан буён янада яхши сақлаш ва асраш, ёқилғи, энергетика ва бошқа моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида.

2. КПСС Марказий Комитети кўрсатмалари ҳамда «СССРда халқ контроли тўғрисида» Қонун талаблари асосида Тошкент шаҳар халқ контроли органларининг назоратни кучайтириш юзасидан олиб борган ишлари тўғрисида.

3. Шаҳар Советининг ободонлаштириш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботи.

Ижроия комитет раиси
В. О. КОЗИМОВ.

Ижроия комитет секретари
М. М. МАРТЬЯНОВА.

ДЎСТЛАРИМИЗ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА



Метронинг Ҳамид Олимжон станцияси ёнида 16 қаватли осмонўпар бинолар қурилади. Ҳозир шу бинолар пойдевори тайёрланяпти. 11-«Висотстрой» трести 17-қурилиш бош қармасининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Ҳамид Қорабоев бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси пойдевор қурилишида ғайрат-шижоат кўрсатяпти. Бино лойиҳасини олмаоталик архитекторлар тайёрлашган. Юқоридаги суратда (чапдан ўнгга): Ҳ. Қорабоев, қурувчилардан Т. Шукуров ва О. Киршенманлар. Ўнгдаги суратда эса пойдеворга арматура ётқизиш пайти акс этган.
Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

Оқшом суҳбатлари — Ҳаёт ва одамлар

КЎНГИЛ БЕҒУБОР БЎЛСА...

Хирург А. Турғуновнинг шу сарлавҳали мақоласида одамлар ўртасида инсонийлик, андиша, олийжаноблик, меҳр-оқибатни эъзозлаш, унинг қадрига етиш тўғрисида ҳаётий мисолларда ҳикоя қилинади.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Шу анкета саволларига бугун «Гулистон» журналининг бош редактори, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Мирмуҳсининг жавоблари эълон қилинмоқда.

БАХТ КАЛИТИ

Журналист Ф. Усмонова ўз мақоласида оилада, турмушда фароғатли бўлиш учун эр-хотин аҳил, тотув, ширин забон, бир-бирига ишонган бўлиши лозимлиги, бу нарсалар эса тотув турмушнинг калити эканлиги ҳақида фикр юритади.

ПУЛАТДЕК ТОБЛАНГАН

Газета мухбирининг материалида довруғли «Ташсельмаш» заводида ишлаётган, ҳалол меҳнати билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган машҳур ишчилар тўғрисида, бу ерда қарор топган ҳамжиҳатлик, дўстона вазият ҳақида ҳикоя қилинган.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ИРҚЧИЛАРНИНГ ЯНГИ ЖИНОЯТИ

Жанубий Африка ирқчилари Африкадаги мустақил мамлакатларга ва бутун жаҳон ҳамдўстлигига яна сурбетларча дағдаға қила бошлади. Претория қўшинларининг кўпгина кучлари Ангола территориясига бостириб кирди ва танклар ҳамда авиациядан кенг фойдаланиб, чегарадан 90 километр ичкари томонда урўш ҳаракатларини кучайтириб юборди. Анголанинг тинч аҳолиси ўртасида қурбонлар кўп. Республиканинг қуролли кучлари иғвогарлик мақсадида қилинган ана шу агрессияга зарба бермоқдалар.

Ирқчилар ўзларининг янги жиноятини Намибия ватанпарварларини «таъқиб этиш» деган сохта баҳона билан ниқоблашга зўр бериб уринмоқдалар. Намибия ватанпарварлари ўз юртининг озодлиги ва мустақиллиги учун, Намибиянинг Жанубий Африка Республикаси ирқчи режими томонидан қонунга хилоф равишда босиб олинганлигига қарши ҳаққоний кураш олиб бормоқдалар. Аммо ҳар қандай сохта уйдирмалар ҳам претория агрессив ҳаракатларининг чин мақсадларини жаҳон жамоатчилигидан яшира олмайди. Ана шу мақсадлар Ангола халқининг революцион ғалабаларига путур етказишдан, бу мамлакатдаги прогрессив режимни ағдариб ташлашдан, Африкадаги ёш мамлакатларда социал ўзгаришларнинг амалга оширилишига халақит беришдан иборат. Ниҳоят, қутуриб кетган ирқчилар Намибия халқига қўғирчоқ режимни мажбуран қабул қилдириш, чин мустақилликни шундай режим билан алмаштириш ва бу билан Намибия устидан ҳукмронлигини абадий сақлаб қолишга ҳам умид боғлямоқдалар.

Преторня ҳукмдорлари халқаро империализм агрессив кучларининг ва Совет Иттифоқининг Анголани қўллаб-қувватлаётганлиги «Африканинг жанубида зўравонлик манбаи» бўлиб қолди, дейишдан ҳам тортинмади. СВАПО Жанубий-Ғарбий Африка халқ ташкилоти бўлиб, Намибияда миллий озодлик курашиг бошчилик қилмоқда. Бу ташкилот Намибия халқининг бирдан-бир қонуний вакили сифатида танилди.

Жанубий Африка республикасининг Ангола Халқ Республикасига қарши агрессияси халқаро империализмнинг хатарли янги мустамлакачилик ниятларининг таркибий қисмидир. Бундай қуруқлар Африкада тинчлик ва осойишталикни бевосита хавф остида қолдиради. Бу ҳол Намибияга чинакам мустақиллик бериш ва Жанубий Африка республикаси қўшинларининг бу мамлакатни оккупация қилиб туришини тўхтатиш асосида Намибия проблемасини адолатли тарзда ҳал этишга эришиш жуда зарур вазифа эканлигини яна бир марта яққол кўрсатади.

Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома Анголани СССР билан боғлайди. Совет Иттифоқи претория ирқчилар режимининг Анголага қурол кучи билан бостириб киргандигини қатъиян қоралайди ва бу мамлакат билан бирдам эканлигини таъкидлайди. Совет Иттифоқи агрессиянинг дарҳол тўхтатилишини ва интервенциячи қўшинларнинг Ангола территориясидан олиб чиқиб кетилишини талаб этади.

Б. ШАБАЕВ,
ТАСС шарҳловчиси.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ТАЛАБЧАНЛИК, ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

2-автокомбинат Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти корхоналари ўртасидаги энг илғор корхоналардан бири ҳисобланади. У юксак ишлаб чиқариш маданияти ўрнатилган корхона деган фахрли ном олган. Автокомбинат коллективи ўнинчи беш йилликда бир неча марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлиги ва автотранспорт ҳамда шоссели йўллар ходимлари касаба союзларининг республика комитети кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланди.

Шу йилнинг ўтган етти ойлик плани муддатидан илгари, 21 июль куни 104,8 процент бажарилди, тўловли километр топшириқлари ҳам ошириб адо этилди. Даромад бўйича план 104,7 процент бажарилди. Парқдан фойдаланиш коэффициенти ошди. Бу комбинат партия комитети, касаба союз ва комсомол ташкилоти ҳамда маъмуриятнинг социалистик мусобақани ривожлантириш, илғор иш усулларини жорий этиш, масалан, бригада нудрати усулини жорий этиш, ташиш жараёнларини оқилона ташкил этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш савиясини ошириш юзасидан олиб борилган катта ташкилотчилик ишлари самарасидир.

Коллектив ўртасида комбинатни коммунистик меҳнат корхонасига айлантириш учун қураш кенг тус олдириб юборилган. Бунда коммунистлар олдинда боришяпти. Партия группалари ташкилотчиларидан В. Одилов, М. Петранов, М. Фурманов, Ю. Акбаров ва бошқалар коммунистик меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Партия группалари ва цех партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида бригадалар ишлари, коммунистларнинг авангардлик роли ҳақида гап боряпти. Автокомбинат коммунистлари барча бригадалар, участкалар, автоколонналарда ҳисобот-сайлов йиғилишларига атрофлича тайёргарлик кўришяпти, иш якуналарини таҳлил этишяпти, камчилик ва нуқсонларни аниқлашяпти, уларга барҳам бериш йўлларини белгилашяпти.

Автокомбинат партия комитети олдидан ҳисобот-сайлов йиғилишларини яхши ўтказиш, қуйи партия звеноларига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича барча ташкилий масалаларга бағишланган тадбирларни ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

Тадбирлар планига кўра август ойи бошларида партия группалари ташкилотчилари ва цех партия ташкилоти секретарларининг семинари ўтказилди. Унда ҳисобот докладларини тайёрлаш, бу ишга коммунистларни кенг жалб этиш масалаларига катта эътибор берилди.

Бўларнинг ҳаммаси партия группалари ва цех партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларини юксак активлик, ишчанлик, талабчанлик ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтказиш имконини беряпти. Масалан, 8-автоколоннанинг 1-бригадаси партия группасидаги йиғилиш ана шундай юқори савияда ўтди. Партия группаси ташкилотчиси М. Фурмановнинг ҳисобот докладида 1981 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда, иш сифатини яхшилашда ҳар бир коммунистнинг иштирокига принципиал баҳо берилди.

Шу йилнинг ўтган етти ойи якунига кўра автоколонна коллективи юк ташиш планини 104,9 процент бажарди, даромад 1 миллион 418 минг сўмни ташкил этди. Бошқа техника иқтисодий кўрсаткичлар ҳам муваффақиятли бажарилди. Биринчи бригада коммунистлари планни бажаришга муайян ҳисса қўшишди. Беш йиллик бошидан буён бригада коллективи календардан 42 кун ўзиб ишлашяпти. Планга қўшимча 33,7 минг сўмлик фойда берилди, социалистик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидан 1 минг сўмлик фойда берилди, социалистик мажбуриятларини бажаришда, иш сифатини яхшилашда ҳар бир коммунистнинг иштирокига принципиал баҳо берилди.

Шу йилнинг ўтган етти ойи якунига кўра автоколонна коллективи юк ташиш планини 104,9 процент бажарди, даромад 1 миллион 418 минг сўмни ташкил этди. Бошқа техника иқтисодий кўрсаткичлар ҳам муваффақиятли бажарилди. Биринчи бригада коммунистлари планни бажаришга муайян ҳисса қўшишди. Беш йиллик бошидан буён бригада коллективи календардан 42 кун ўзиб ишлашяпти. Планга қўшимча 33,7 минг сўмлик фойда берилди, социалистик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидан 1 минг сўмлик фойда берилди, социалистик мажбуриятлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Коллектив коммунистик меҳнат бригадаси номини олган.

Бригадада 38 киши бор. Улар орасида бирон ҳам қолоқ йўқ. Бригаданинг барча коммунистлари ишга сидқидилдан ёндошиш намуналарини кўрсатишяпти. План топшириқларини 110—125 процентдан адо этишяпти.

Бригаданинг ҳар бир коммунисти партиявий топшириққа эга. Масалан, коммунист Е. Каминер 2-автокомбинат халқ контроли бош группасининг аъзоси қилиб сайланган. Коммунистлардан В. Гулядин ва В. Абраменколар автомашиналарнинг техник ҳолатини текшириш комиссиясининг аъзолари ҳисобланишади. Коммунист А. Фурманов ёнилғи-мойлаш материаллари ва авторезиналардан оқилона фойдаланиш комиссиясининг раисидир.

Партия группаси йиғилишларда бригада аъзоларининг иш унумини ошириш масалаларини бир неча марта муҳокама қилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш масалаларига эътибор қаратилди, натижада ҳисобот даврида бирон ҳам таксомотордан фойдаланиш қоидалари бузилмади. Коммунистлар таклифи билан автоколонна йиғилишида бир неча марта меҳнат ва иш интизоми, йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари кўриб чиқилди.

Партия группасининг ташкилотчиси М. Фурманов ҳисобот докладида бригада коллективи олдида турган вазифаларни ҳал этишда коммунистлар ролига тўхталиб ўтди. Шу билан бирга докладчи партия группаси ишида йўл қўйилган нуқсонларни айтиб ўтди. Масалан, бригада иш якунлари бригаданинг йиғилишларида онди-сонда муҳокама қилинади. Иқтисод ва тежамкорлик масалаларига катта эътибор бериш керак. Партия группаси ҳисобот йиғилида айниқса, коммунистик меҳнат мактаблари машғулотларида шуғулланаётган л а р нинг қандай иштирок этишини бўш назорат қилди. Бу масалаларга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Коммунистлардан Е. Каминер, В. Гулядин, К. Толибжонов, Л. Клестовлар ўз сўзларида ана шу масалаларга тўхталиб ўтишди. Музокарада сўзга чиққан коммунистлар ёшлар билан ишлашни янада яхшилаш, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш бўйича таклифлар киритишди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши қабул қилган қарорда партия группаси коммунистлари олдига муҳим вазифа қўйилди. Ташиш планини шу йилнинг 7 ноябригача бажаришади. Йўловчиларга юксак маданий хизмат кўрсатишади ва йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилишади.

Партия йиғилишларида коммунистларнинг партиявий топшириқларни қандай бажаришаётгани ҳақидаги ҳисоботларни тинглаб бориш, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштиришга эътиборни қаратиш лозим.

Ҳозирги вақтгача барча ўн бир партия группаси ва 10 цехнинг партия ташкилотининг бештасида ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Улар яхши ташкилий савияда ўтди. Партия комитети йиғилишлардаги ижобий тажрибани умумлаштиряпти ва бошқа ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўришда буни ҳисобга оляпти, уларнинг бажарилишини назорат қилиб бормоқда. Шакшубҳа йўқки, партия комитети олиб бораётган иш ўн биринчи беш йилликнинг тўнғич йилида комбинат коллективи олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришда қўйи партия звеноларининг, ҳар бир коммунистнинг ролини янада оширишга ёрдам беради.

Г. ПЕТРОВ.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Мусобақа—омманинг ижоди

САРЧАШМА

Социалистик мусобақа — омманинг ижодидир. Узининг моҳият эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлигига ва сифатини оширишга ёрдам беради.

Л. БРЕЖНЕВ.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезди минбаридан туриб ана шу фикрларни айтганда минг бор ҳақ эди. Дарҳақиқат, социалистик мусобақа биз ишчилари фақат олга — янгидан-янги зафарлар сари чорлайди. Мусобақа қудратли куч. Пўлат ўтда, одам меҳнатда тобланса, муваффақият мусобақада туғилади. Мусобақа қанчалик кенг қанот ёзса, қўлга киритиладиган муваффақият шунча салмоқли бўлади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли, тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида «Социалистик мусобақа омманинг амалий, ижодий, ватанпарварлик ҳаракати бўлиб, совет кишиларининг юксак онглилиги ва ташаббусига асосланган, социалистик мусобақа коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш учун меҳнаткашларни сафарбар қилишнинг қудратли воситасидир. У ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва ишга солишга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради. Социалистик мусобақа ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни жалб этиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг таъсирчан воситасидир» дейилган.

Чиндан ҳам шундай: мусобақа — оммани жонли ижоди. У ташаббус булоғи. Мусобақа бошланган ерда унинг турли-туман формалари вужудга келаверади. Бригадамиз бундан бир неча йил аввал корхонамизда яхши бир ташаббус билан чиққан эди. Биз заводимиз бир меъёрда ишлаши учун қўшни бригада ва участкаларга ёрдам бериш мусобақасини бошлаб бергандик. Ҳамкасбларимизни қўшимча касбларни ўрганишга, вақти келганда қўшни участкадаги ишчиларнинг ўрнида ишлаб кета олишга чақирган эдик. Бу кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлиб чиқди. Корхонамиздаги ҳамма бригадалар бизни қувватлаб чиқди. Эндиликда мусобақанинг бу формаси кўпчиликнинг мулкига айланиб кетди.

Машинасозларимиз ўн биринчи беш йиллики яхшироқ якунлаш учун нималар қилиш керакligи ҳақида, социалистик мусобақани қандай яхшироқ ташкил қилиш ҳақида ўйламоқдалар, имкониятларини чамалаб кўрмоқдалар, резервларни қидирмоқдалар. Биз социалистик мусобақани авж олдира бориб, бутун диққат-эътиб о р н и КПСС XXVI съезди қарорида айтилганидек, машиналарнинг янги ва гоят унумли турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, уларнинг техникавий даражасини ва пишиқ-пухталигини оширишга, металлни тежаб сарфлаш, прогрессив технология жараёнларини жорий қилишни тезлаштиришга ва станоклардан фойдаланиш коэффициентини оширишга қаратмоқдамиз.

Машиналаримизнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун, уни пишиқ-пухта қилиб ишлаб чиқариш учун энг аввало унинг деталлари аъло сифатли қилиб тайёрланиши лозим. Шунинг учун ҳам партия териш машинасининг 500 та якин деталини сифат белгиси аттестациясидан ўтказдик. Цехларимизда янги ҳисоблаш техникаси ўрнатилди. Тайёрланган деталь ва узелларнинг цехдан-цехга ҳаракатини ҳисоб-китоб қилиш ишлари автоматлаштирилди.

Социалистик мусобақани ташкил қилишда, уни якунлашда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Биз кўпинча бригадалар ўртасидаги қабул қилинган социалистик мажбуриятлар, ўзаро тузилган шартномалар юзасида қолиб кетганинг гувоҳи бўламиз. Мусобақа вақтида якунланмайди. Унинг натижалари кечикиб эълон қилинади. Биз кўпинча мусобақа голибларининг номларини биламиз, лекин шу мусобақадан четда қолган, ҳўнакўрсинга ишлаб, кам маҳсулот ишлаб чиқарган, сифатсиз маҳсулот тайёрлаган одамларнинг кимлигини билмай қоламиз. Мусобақа якунида шундай қолоқларга таъбеҳ берилмайди. Улар кўпчилик олдида уялтирилмайди. Бизда шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, баъзи ишчилар мажбуриятлар қабул қилинган вақтда жуда баландпарвоз келадилар. Катта мажбуриятлар оладилар. Лекин мажбуриятларини якунлаш учун нималар қилиш керакligи ҳақида, социалистик мусобақани қандай яхшироқ ташкил қилиш ҳақида ўйламоқдалар, имкониятларини чамалаб кўрмоқдалар, резервларни қидирмоқдалар. Биз социалистик мусобақани авж олдирмоқдамиз, бутун диққат-эътиб о р н и КПСС XXVI съезди қарорида айтилганидек, машиналарнинг янги ва гоят унумли турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, уларнинг техникавий даражасини ва пишиқ-пухталигини оширишга, металлни тежаб сарфлаш, прогрессив технология жараёнларини жорий қилишни тезлаштиришга ва станоклардан фойдаланиш коэффициентини оширишга қаратмоқдамиз.

Менимча, ишга ижодий ёндошиш, тўғри меҳнат тақсимоти бизнинг энг асосий резервларимиздан д и р. Ўрта ҳисоб нормалари, техник нормалари абадий эмас. Цехларда ишчиларнинг янги-янги ташаббуслар билан чиқишлари катта аҳамиятга эгадир. Масалан, цехимиз слесарьйиғувчиси Коблов ўнинчи беш йилликда қизиқарли бир таклиф киритган эди. Унинг таклифи «ХН—3,6» маркали машинанинг баъзи узелларя ва деталларини ясаб чиқариш учун сарф қилинадиган вақт нормасини 20 процент қисқартиришга имкон берди. Иш соатларидан тўла ва рационал фойдаланиш, металларни чиқиндига чиқаришни камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги ошди.

Хуллас, завод касаба союз комитети етакчиларидаги цехларда, участкаларда, бригадаларда мусобақанинг янги-янги формалари жорий қилинмоқда. «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин», «Беш йиллик плани — муддатидан илгари», «Ўнлар ташаббуси — амалда» каби шиорлар остида ишчилар, бригада, участка, цех коллективлари қизғин беллашмоқдалар. Ютуқлар сарчашмаси бўлаётган социалистик мусобақа йўлчи юлдузлек уларнинг йўлини ёритиб, янги уфқлар сари чорлаяпти.

Ҳозир заводда 1,5 минг нафар ишчи биринчи тақдимдаёқ маҳсулот топшириш учун мусобақалашм о қ д а. Шулардан ярмидан кўпроғи маҳсулотни нуқсонсиз топшириш учун беллашяпти. Ишлаб чиқариш илғорларидан 439 киши ишчанлик тамга билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини қўлга киритди. Биз цехларда технологик жараёнларига тўла риоя қилишга, чиқарилаётган деталлар ва ярим қисмлар сифатини яхшилашга, машиналарнинг деталь ва узелларига завод Сифат белгиси беришга ҳаракат қилямиз. Биз мажбуриятларимизнинг барча бандларини тўла бажаришимиз учун ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида ишни тўғдан янгича самаралы усулда ташкил этишга эришмоқдамиз.

Менимча, ишга ижодий ёндошиш, тўғри меҳнат тақсимоти бизнинг энг асосий резервларимиздан д и р. Ўрта ҳисоб нормалари, техник нормалари абадий эмас. Цехларда ишчиларнинг янги-янги ташаббуслар билан чиқишлари катта аҳамиятга эгадир. Масалан, цехимиз слесарь-йиғувчиси Коблов ўнинчи беш йилликда қизиқарли бир таклиф киритган эди. Унинг таклифи «ХН—3,6» маркали машинанинг баъзи узелларя ва деталларини ясаб чиқариш учун сарф қилинадиган вақт нормасини 20 процент қисқартиришга имкон берди. Иш соатларидан тўла ва рационал фойдаланиш, металларни чиқиндига чиқаришни камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги ошди.

Хуллас, завод касаба союз комитети етакчиларидаги цехларда, участкаларда, бригадаларда мусобақанинг янги-янги формалари жорий қилинмоқда. «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин», «Беш йиллик плани — муддатидан илгари», «Ўнлар ташаббуси — амалда» каби шиорлар остида ишчилар, бригада, участка, цех коллективлари қизғин беллашмоқдалар. Ютуқлар сарчашмаси бўлаётган социалистик мусобақа йўлчи юлдузлек уларнинг йўлини ёритиб, янги уфқлар сари чорлаяпти.

М. МУЙДИНОВ,
«Ташсельмаш» заводи тунукасоз-слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Комсомол аъзоси Муҳаррам Каримова шаҳримиздаги 2-пойафзал фабрикасининг пешқадам ишчиларидан бири. Коммунистик меҳнат зарбдори М. Каримова смена топшириқларини ҳунтазам 130 процент бажариш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

СУРАТДА: М. Каримова.

Х. Мирзанаримов фотоси.

РЕСПУБЛИКА БУЙИЛАБ

ҚУРИҚДА ЗАВОД

«Узколхозтр о й »нинг Эллиққалъа ғишт заводида ишга тушириш ва соэлаш ишлари бошлаб юборилди. Завод бир йилда 10 миллионта пишиқ ғишт чиқаради. Бу ерда механикалаштирил г а н қолиплаш бўлими, узунлиги 52 метрга борадиган туннель печь қурилди, ишлаб чиқариш жараёнларини мумкин қадар механизациялашга, меҳнат шароитларини яхшилашга имкон берадиган такомиллаштирилган технология қўлланди. Камераларининг юзига нессиқардош плиталар қопланди. Бу нарса камерага хом ғишт тахлашни ҳамда уни пиширгандан сўнг тайёр маҳсулотни тўшириб олишни тезлатади. Аввал бу ишларнинг ҳаммаси қўлда қилинарди. Ҳозир уларни рельсда юрадиган кўтаргич кран бажармоқда.

Бу йил завод Қорақалпоғистоннинг жанубидаги Эллиққалъа массиви қурилишларига дастлабки икки миллион дона пишиқ ғишт юборади.

Я Й Л О В Л А Р Д А Р Е К О Н С Т Р У К Ц И Я

Гарантияланган сув билан таъминлаш манбалари— артезиан қудуқлар ва трубопроводларга энди Қорақалпоғистон ва Бухоро областининг уч юз минг гектар олис яйловларидаги суғориш пунктлари қўшилди. Мелиораторлар бу суғориш пунктларини реконструкция қилишни тугалладилар. Эски, оддий суғориш жойлари ўрнига темир-бетон ҳовузлар, майдончалар қурилди. Республика яйлов-мелиорация қурилиш бирлашмаси механизациялашган колонналари йил охиригача қоракўл қўйлар учун яна 300 минг гектар майдондаги суғориш пунктларини реконструкция қилишни мўлжалламоқда. Бу эса яйловлардан яхшироқ фойдаланиш имконини беради.

БОЛАЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ

Қўқон ўрмон хўжалиги колхоз ва совхозларининг буюртмаларига мувофиқ бу йил болалар мебелининг дастлабки тўркуми— ёғоч чиқиндиларидан тайёрланган 1000 та кроватча ва столча, 12 минг стулча жўнатди. Бу мебель пахтакорларнинг дала шийпонларидаги болалар хоналарини жиҳозлаш учун фойдаланилади. Ўрмон хўжалигида ийида, акация, қайроғоч дарахтларини санитария жиҳатидан кесиш натижасида ҳосил қилинган ёғочдан буюмлар ишлаб чиқарадиган махсус цех ташкил этилди. Ҳозир хўжаликлар учун шундай ёғочдан болалар мебели тайёрланмоқда.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ШЕРИКЧИЛИК АСОСИДА

БУДАПЕШТ. Венгрияда у ёки бу хўжалик бирлашмасида қатнашмаётган қишлоқ хўжалик кооперативи камдан-камдир. Бу ерда ана шундай хўжалик бирлашмаларини шерикчилик хўжаликлари деб аташади. Маблағ, кадрлар, машинамеханизмлардан биргаликда фойдаланиш шу хўжаликларнинг қатнашчиларига давлатдан молиявий ёрдам олмай анча мураккаб вазифаларни ҳал қилиш, кооператив аъзоларининг меҳнат шароитларини яхшилаш имконини бермоқда. Республикада етти юздан кўпроқ ана шундай бирлашма бор.

Зал областида яқинда фойдаланишга топширилган тухум порошоги ишлаб чиқарадиган завод шерикчилик усулида қурилган корхоналардан биридир. Қишлоқ хўжалик кооперативлари республиканинг турли районларида шерикчилик асосида 12 та сут заводини қуришди. Сабзавот ва меваларни консерва қиладиган, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, ўғит, заҳарли химикатлар учун биргаликда фойдаланиладиган омборлар, шунингдек музхоналар ҳам кўпгина.

ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁ ҲИСОБИГА

БУХАРЕСТ. Сучавадаги «Зимбрул» трикотаж фабрикасининг коллективи иккиламчи материаллар тўплаш ва улардан кенг кўламда фойдаланиш умуммиллий ҳаракатига актив қўшилди. Корхона тайёрлаб чиқараётган маҳсулотлар Руминияда ҳам, шунингдек чет элларда ҳам яхши маълумдир. Йил бошидан бери 106 тоннадан ортиқ иккиламчи хом ашё ишлаб чиқариш оборотига қайтарилиб, ундан бир ярим миллионтадан ортиқ трикотаж буюм тайёрланди.

Шу беш йилликда Руминия саноатида ўтган йилдагига қараганда 60 процент кўп иккиламчи маҳсулотдан фойдаланиш мўлжалланмоқда. Беш йиллик планда иккиламчи материаллардан фойдаланиш ҳисобига саноат барча эҳтиёжларининг қарийб 50 процентини таъминлаш вазифаси қўйилган.

ЮБИЛЕЙ АРАФАСИДА

ПРАГА. Бу йил Прага ҳайвонот боғи ташкил этилганига 50 йил тўлади. Ҳайвонот боғи ташкил этилган 1931 йил бу ерда жами 200 та ҳайвон бор эди. Ҳозирги вақтда боғнинг кенг ва ёруғ павильонларида 600 да ортик турдаги 2,5 минг та ҳайвон бор. Боғ коллективи энг аввало ер юзидаги нодир ва йўқолиб бораётган ҳайвонот дунёси намуналарини сақлаб қолиш ва кўпайтиришда эришган муваффақиятлари билан фахрланадилар. Прагада Орангутан болалагаллиги, шунингдек эгизак бегемотлар туғилиши фан оламида ғинакам муҳим воқеадир.

Прага ҳайвонот боғининг коллективи катта маданий-маърифий ишларни амалга оширмоқда, барча қитъалардаги мамлакатлар ҳайвонот боғлари билан яқиндан илмий алоқалар ўрнатган. Шунингдек ер юзи ҳайвонот дунёсининг ўнлаб яқин намуналари билан йил сайин бойиб бормоқда.

КЕКСАЛИК ХАЛАҚИТ БЕРА ОЛМАЙДИ

ЖЕНЕВА. Яқинда ГФРлик 77 яшар филолог Бруно Вик альпинистлар неча ёшгача спорткинг бу тури билан шуғулланиш олади, деган саволга жавоб беришга ўринди. У икки йўл бошловчи билан бирга «Гўзал Альп»—Маттерхорн тоғига (4.477 метр) икки кунда чиқиб борди.

Аммо Викдан олдин 81 яшар швейцариялик Ульрих Индербиндеп шу Маттерхорнга чиққанди. Бундан хабар топган Вик бироз хафа бўлди. «Лекин бир неча йилдан сўнг мен шу чўққига яна кўтарилдим», деди Вик. Шунисм қизиқки, у умрида ҳеч қачон альпинизм билан шуғулланмаган ва Швейцариядаги машҳур тоққа кўтарилиш унинг учун Альп тоғлари билан биринчи танишуви эди. Холбуки, кейинги йилларда шу тоққа чиқаман, деб анчамунча альпинистлар ҳалок бўлган эди.

«Гўзал Альп»ни забт этувчилардан энг ёши 11 яшар швейцариялик бўлди. Бунинг учун унга ўз ёшини яширишга тўғри келди. Чунки мавжуд қоидаларга мувофиқ бола 15 ёшга кирганидан кейингина Маттерхорнга кўтарилиш учун рухсат берилади.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

ҚОБУЛ. Афғонистон касаба союзлари Марказий кенгаши мамлакат меҳнаткашларини ихтиёрий меҳнат куни ўтказишга даъват этди. Ана шу куни ишлаб топилган маблағлар сағирларга, шу жумладан чет эллдан юборилаётган босмачиларга қарши курашда ҳалок бўлган афғонларнинг болаларига ёрдам бериш учун сарфланади.

Барча афғонлар, дейилади хитобномада, янги Афғонистоннинг актив қурувчиси бўлиб қоладиган ёш авлоднинг бахтиёр келажагини таъминлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиши керак.

* * *

ИСЛОМОБОД. «Мусулим» газетаси Покистон давлат банки вакилининг баёнотига асосланиб хабар қилишича, кейинги вақтларда Покистоннинг эркин муомаладаги валюта заҳиралари 1.193 миллион Покистон рупияси миқдорида камайган, яъни 9.258 миллион рупиядан 8.065 миллион рупияга тушиб қолган.

Банк вакили мамлакат савдо балансидаги камомат муттасил ортиб бораётганлигини ва чет эллардан олинган қарзни тўлаш ҳаражатларини кўпайиб бораётганлигини ҳозирги вазият сабабларидан бири деб атади.

* * *

БАЙРУТ. Исроил босқинчилари сепаратчилар назорат қилиб турган Ливаннинг жанубий районларида Ливан Республикасининг мулки бўлган тарихий бойликлар ва осор-атиқларни талон - тарож қилмоқдалар.

Исроил «археологлари»нинг катта бир группаси солдатлар соқчилигида Шамаа қалъаси районида қазиш ишларини бошлади. Бу қалъа ўзининг тарихий ёдгорликлари ва дахмалари билан машҳурдир. Ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг айтишларича, қазиш вақтида топилган бойликлар ўраб, ғиншларга жойланиб, Исроилга олиб кетилмоқда.

* * *

БАЙРУТ. Ҳозир Исроил Ливан жанубида ёппасига ҳарбий агрессия қилишга эўр бериб ҳозирлик кўрмоқда. «Ал-кифоҳ-ал арабий» ҳафталик газетаси шуни хабар қилиб, ҳозирги вақтда Исроил билан АҚШ ўртасидаги мулоқотлар давомида мазкур операцияга тайёргарлик масалалари муҳокама қилинаётганлигини ўқтиради.

АЛ-ЖАЗОИР. Жазоир пойтахтида очилган 18-халқаро ярмаркада Совет Иттифоқи миллий куни ўтказилди. Миллий озодлик фронти партияси сиёсий бюросининг аъзоси, МОФ Марказий Комитети доимий секретариати учун масъул ходим М. Ш. Мессадия, ЖХДР министрлари, Ал-Жазоирдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари совет павильонини келиб кўрдилар. Томошабинлар СССРнинг авиация ва автомобиль, станоксозлик саноати буюмлари билан, совет халқининг хўжалик ва маданий қурилишда эришган ютуқлари тўғрисида тасаввур берувчи бошқа экспонатлар билан қизиқиб танишдилар.

ФОТООБЪЕКТИВДА — КАМПУЧИЯ.

Меконг дарёсининг сўҳили Пномпень аҳолисининг энг севимли ҳордиқ чиқарадиган жойларидан бири. Бу ер айниқса кечга бориб гавжум бўлиб кетади.

СУРАТДА: Меконг дарёси бўйида.

ВИА — ТАСС фотоси.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ЮК АНИҚЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Одессадаги «Точмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган янгилик юриб турган товар поездидаги юкни тез ва ғоятда аниқ тортишда ёрдам беради. Бутун эшелонинг вазнини аниқлаш учун атиги 5 минут вақт кетади.

Корхонада қўплаб ишлаб чиқарила бошланган тарози ана шу вазифани бажаришга имкон беради. Гап шундаки, кўмир, нефть, кончилик саноати ва бошқа саноат корхоналарининг маҳсулотлари жўнатилаётганда ортилган юк билан унинг ҳужжатларида кўрсатилган рақамлар ўртасида ҳозирча ғоят катта тафовут бор.

Мавжуд техника юкнинг вазнини айрим вагонларни контроль текшириш натижаларига қараб аниқлаш имконини беради. Ҳолбуки, бир вагондаги руда палахсаларнинг палахса, иккинчисидаги эса майда бўлиши мумкин. Шунга кўра, уларнинг вазнида катта тафовут бўлади. Илгари бутун составни тортиб чиқиш учун беш-олти соат керак бўларди.

Мана шу жойда янги конструкциядаги тарозининг афзалликлари намоён бўлади. Остига тарози системаси ўрнатилган рельс билан уланган ғоят сезгир датчиклар поезд ўтаётган пайтда вагонларда қанча юк борлиги тўғрисида аниқ ахборот бериб туради. Бу рақамлар ерўғ таблога чиқарилади ва электрон-ҳисоблаш машинасининг перфолентасида белгиланади. Айни вақтда юк ҳужжатлари ҳам тайёрланади. Олинган маълумот билан вагонда бўлган юк ўртасидаги тафовут жуда оз— бутун эшелонга ҳисоб қилганда 0,2 процентдан ошмайди.

«Точмашда ҳар йили юзга яқин янги тарози системаларини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

(ТАСС).

АГАРДА СЕН ҲАМ АҚЛЛИ КИШИЛАРНИНГ САФИДА БЎЛГИНГ КЕЛСА, ҲАР КУНИ БИР МАРТА, Ё ҲАФТАДА БИР МАРТА, ҲЕЧ БЎЛМАСА ОЙДА БИР МАРТА ЎЗИНГГА ЎЗИНГ ҲИСОБ БЕР! ЎТГАН УМРИНГНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИБСАН: НА ИЛМГА, НА ЖАМИЯТГА ВА НА ЎЗИНГГА ФОЙДАЛИ БИРОР ИШ ҚИЛИБСАНМИ?

АБАЙ.

Одоб-ахлоқ ҳақида

оқшом суҳбатлари

№14

Оила даврасида

БАХТ ҚАЛИТИ

Эшик тақиллатганимизда ичкаридан «Ҳозир» деган жавоб тезда берилган бўлса ҳам, ҳадеганда эшик очилавермади. Бир оз кутдик. Ниҳоят зулфин шиқирлаб орқасидан ковоқ ва даханлари шишиб кўкарган, озғин, рангпар аёл зўрма-зўраки илжайиб ичкарига таклиф қилди. Шундай вазиятда келганимиз учун, бундай ноҳуш ҳолатга дучор бўлганимиздан ўзимизни ноқулай сезардик. Унинг ярасини янгилашни лозим топмай тургандик, аёлнинг ўзи бизга ёрилди:

— Ранг-рўйимни кўриб турибсизлар, ўқув йилининг биринчи кунидан ишдан колиб ўтирибман. Шу аҳволда кишиларнинг кўзига қандай кўринаман? Номард эр!.. Айбим бўлса ҳам майлийди, бекордан-бекорга хўрлаши... ўлдириб кўя ёзди, яхшиям қўшнилар қутқариб қолишди, дарров яшириши, — лаблари титраб, кўз ёши қуюларди аёлнинг.

— Асабни эҳтиёт килинг, кўйинг, кўп куйинманг, одам ўзини беҳуда сиқкандан фойда йўқ. Болаларга, қоларверса ҳаммамизга кераксиз,— далда беришга уриндик.

Юпатишимиз аёлнинг юрагидаги тўлиб-тошган ҳасратини яна ҳам юзага чиқарди

— Ўзи педагог бўла туриб, наҳотки битта эрини эплолмаса деб ўйлаётгандирсизлар. Педагог бўлганим учун ҳам, эрини йўлга солиб олади, ота-онаси, ёлғиз деб, шу кишига турмушга беришган эди. Битта болам иккита, иккитадан учта бўлди, қуюлиб қолар, инсофга келар деган умид билан курашиб яшадим. Шунча жабрларга бардош бериб, ҳа, турмуш дегани шу экан, деб сув келса симириб, тош келса кемириб, сирасоримни ёлғиз шу тўрт деворнинг ўзи билди, мен билдим. . . Ойлигини ҳам кўрсатмай, ичиб йўқ қилади. Ишхонасига ҳам арз килиб бордим. Фойдаси бўлмади.

— Шу ишни чакки қилибсиз, охирини ўйламабсиз янга,—луқма ташлади биз билан борган эркак вакил. Мени кечирасизлар, мен аёлларни жуда ҳурмат киламан, лекин биз эркакларни оқламоқчи эмасману, баъзи аёллар борки ўзи билиб, ё билмаган ҳолда эркакнинг нафсонятига тегадиган иш қилиб қўяди-да, кейин қарабсизки ораларига совуқчилик тушади. Шунинг учун биз ҳам одобандиша билан ётигича ёндошилса, ҳар қанақа жанжал, можароларга ўрин қолмайди, деб ўйлайман.

Эркакнинг бу гапларини эшитиб, узоқ вақтгача чўрқ этолмай қолдик. Бир масалага холисона баҳо бериш учун бир кишининг фикри билан ҳукм чиқариб бўлмайди, албатта. Ҳар қайсиси ўзини ҳақ деб билади, Бизга оилавий сирларини, дарду-ҳасратини тўкиб солган аёлнинг аҳволига ҳар қанча ачинмайлик, лекин шу аёлни буткул ҳақ деб ҳам бўлмасди. Бунинг устига биз бу оилага бутунлай бегона кишилар эдик. Биз билан кўпда синашта бўлмаган одам биринчи кириб боришимиз билан оиланинг ички сирларини бизга айтишининг ўзи ҳам ҳар биримизда, у ҳар қанча жабрланган, эзилган, ҳақ бўлмасин ўзига нисбатан ижобий фикр уйғотмади. Ҳазил-ҳузул қилиб, бир оз бўлсабилан бир жойга бормоқчийдик. Ишхонамга кел дегандилар. Қаёққа чиқиб кетдиларкин? — ийманибгина сўради.

Мен ҳамма воқеадан хабардор бўлганим учун, ижиқилаб сўрадим: «Бугунга келгин девмиди». «Ҳа», деди келинчак ва ташқарига чиқиб кетди. Менга гапиргиси келмаётганини пайқаб, бошқа суриштирмадим. Кейин билсам эрининг яқин ўртоғини топиб: «Ҳеч бунақа одатлари йўқ эди, бу кеча уйга келмадилар. Ўзлари омонмиканлар, хавотирланяпман», дебди. У ҳам, пешинда аниқ хабарини бераман, деб тинчитиб юборибди. Келин уйга кириб борса, эри ундан олдин келган экан. Хотини очиқ чеҳра билан кутиб олибди: «Вой, омонмисиз, ҳайриятмисиз, ўтакамни ёрдингиз», дебди. Кейин ходимни чақириб: «Умрдошингга қойилман, шунча хавотир олдирсанг ҳам ёнингни олиб менга чўрқ этмади. Унинг қадрига ет», дедим.

Шу-шу келинчакка бўлган ҳурматим янада ортди. Эрининг ҳам унга тобора меҳри товланиб, «келинингиз» деб огзидан бол томади. Бу ёш оилага ҳавасим келади. Шундан қиёс қилиб айтаманки, эрнинг юзида табассум пайдо қилдирадиган ҳам хотин, адоб-тамом қиладиган ҳам хотин экан. Бу келинчак ўз ҳаё-ибосини йўқотмай, тинчтотув яшаб келаётганларига яна йил бўлиб қолди. Ҳали ҳам уни эри азиз килади.

Ҳа, аллада азиз бўлиш ҳар бир кишининг ўзидан, ўзини ҳурмат кила билганидан. Ўз ҳурматини билганни ўзгалар ҳам ҳурмат қилади, беҳурмат қилишга ҳалди ҳам сиғмайди.

Оилада, турмушда фароғатли бўлиш учун эр-хотин аҳил, тотув, ширинзабон, бир-бирига ишонган бўлиши лозим, шундай кишиларга бахт ўз эшигини очиши шубҳасиз.

Ф. УСМОНОВА.

Одамлар орасида

КЎНГИЛ БЕҒУБОР БЎЛСА...

Касбим — жарроҳлик. Ҳар куни қабулимга беморлар келишади. Бири урилган, иккинчиси йиқилган, яна бошқаси бўлак сабаблар билан жароҳатланган бўлади. Менинг вазифам эса жароҳатни даволашдан олдинок унинг сабабини аниқлаш. Бу эса, дардни яхши даволаш омилларидан биридир.

Бемор қабул қилар эканман, кўпинча шунга амин бўламанки, жароҳат сабаблари менга қабулимдаги кишини ёҳуд унинг атрофидагилар феъл-атворининг қайсидир жиҳатларини ҳам очиб беради. Шундай қилиб, мен гоҳ лоқайдлик ё шошқалоқликкга, гоҳ меҳр ё шафқатсизликка, гоҳ олижаноблик ё тошбағирликка дуч келаман.

Бир воқеа сабаб бўлиб, қўлимга қалам олдим. Бу воқеа хотирамга тез-тез келиб туради. Мана унинг тафсилоти (шу ўринда воқеа иштирокчилари исмини баъзи бир сабабларга кўра ўзгартирдим.).

Рустам ака ўғли билан мол бозорига бориб, ғунажин сотиб олмоқчи бўлади. Улар бозор айланиб, ниҳоят онаси биқинида турган, пешонаси қашқа, чиройли бир бузоқни танлашади. Рустам ака савдо-сотиқдан сўнг бузоқнинг арқонини ўғли Икромжоннинг қўлига тутқазиб:

— Сен ўйга кетавер, мен рўзғорга у-бу харид қилиб кетингдан етиб бораман — дейди.

Икромжон бузоқни етаклаб ўйга жўнайди. Ола қашқа ҳам онасидан, ҳам эгасидан ажралганига аламзадалиги бошланади. Икромжоннинг қўлидан бошвоғини юлқиб, қочишга уринади. Йигитча қора терга тушади. Ҳуллас бир амаллаб бузоқни уйига олиб келади. Дарвозадан кириши билан уни арқондан бўшатади. Шуни кутиб турган бузоқ кўчага отилади, онасини излаб, дуч келган эшикка ўзини суради. «Ҳай-ҳай»лаган одамларни туртиб-суриб бораверади. Бузоқ ҳовлима-ҳовли қочиб, Дўстмурод акаларникига киради, ариқ бўйида чалак ювиб ўлтирган Кимё холанинг «ҳай-ҳай»лашига қарши унинг кўкрагига бир-икки сузади. Хола доллаб, уйга қочиб киради. Шу пайт бошқа хонадан уч яшар набираси чиқиб қолади. Кимё хола жон ҳолатда набираси ҳимоясига отилади, яна аламзада бузоқ ҳужумига учрайди...

Воқеа устига келиб қолган ўғли онага дарҳол «Тез ёрдам» чақиради.

Синчиклаб текшириб шуни аниқладимки, холанинг кўкрак эти жароҳатланган, лекин қовурғаларига шикаст етмаган. Мен тегишли медицина ёрдами кўрсатиб, холага бош-ўн кун уйда даволанишни тавсия қилдим.

Кейин эшитишимча, шу куни Кимё холанинг умр йўлдоши Дўстмурод ака ишдан қайтиб, воқеадан хабардор бўлади-ю, фиғони фалакка чиқади. У кетмон сопини кўтариб олиб: «Мен уларга кўрсатиб қўяман ҳозир!», — дея важоҳат билан Рустам ака ҳовлисига бостириб киради. У уй эгасига тўқнаш келади-ю, суриштирмай-нетмай уни ҳуштидан кетгунча калтакдайди...

Буни қарангки, Рустам ака ҳам Кимё хола бўлган травматология пунктига келтирилади. Рустам аканинг жароҳати Кимё холаникига қараганда оғирроқ эди. Мен у кишига клиникада қолиб даволанишни маслаҳат берганимда, у, киши илтижо қилди:

— Ўғлим, иложи бўлса уйда даволансам, кўпним жахл устида урди мени. Бу ёғи маҳаллачилик. Кўз кўзга тушади.

Энди гапни у ёқдан эшитинг: Рустам акани каттик калтаклаб, хунук иш қилганларни сезганларидан бўлса керак, ташвишга тушиб қолган Кимё хола эртасига ўтлига суяниб, «вой-вой»лаб яна бизнинг пунктга келди.

— Шу ерда ётиб даволанмасам бўлмайди, — деди у.

Мен бунга ҳеч эҳтиёж йўқлигини кайта тушунтирдим. Кимё холанинг ўғли ерпатаклик қилиб, ёлворишга ўтди:

— Онамиз шу ерда ётсалар, Рустам ака бизни мабодо судга бергудек бўлса, ишимиз енгил бўлармиди, деймиз-да. У кишига ҳам жазо оберардик...

Мана сизга жирканч киёфа! Гунохсиз кишини уриб-калтаклаб, яна унга «жазо обермоқчи»миш.

Мен бу бетамиз йигитнинг беандиша кўзларига боқиб:

— Рустам акани билмас экансизлар, — дедим ўзимни ғазабдан вўрга босиб. Шунда Рустам аканинг: «Иложи бўлса мен уйда даволансам. Бу ёғи маҳаллачилик. Кўз-кўзга тушади», — деган сўзларида олижаноблик ётганини эсладим. У ўзининг мана шу андишалиги, камсуқум, мулоҳазали овози билан менинг кўз олдимда юксакликда турарди, инсон деган номни кўзимга чиройли кўрсатиб турарди. Кимё холалар эса, аксинча...

Мен бу воқеани шунинг учун ҳам тез-тез эслайманки, кундалик мулокотда кимлир менга Кимё холаларнинг кай жиҳатларини эслатиб қолса, яна кимлар Рустам ака каби олижаноблик, одамийлик, андиша, меҳр-окибат тимсоли бўлиб кўринади. Ана шунда мен:

— Оқибат бор бўлсин! Уни эъзозлайлик, асрайлик, қадрига қадр қўшайлик. Негаки ер ўз ўки атрофида айланса, ҳаёт одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибати атрофида айланади, — дегим келади.

А. ТУРҒУНОВ,
хирург.

«ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига «Гулистон» журналининг бош редактори, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати МИРМУҲСИН жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз,

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Онлада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

1. Инсонийликни биз дахватанги: камтарлик, меҳнатсеварлик, қардошликка садоқат, кишиларга ғамхўрлик... деймиз. Бу жуда тўғри. Лекин бу гапни ғоявий муҳолифларимиз ҳам айтади. Чинакам инсонийликни мен бошқачароқ таърифлардим. Умум азиз Ватанга бўлган муҳаббат, ҳар қачон ва ҳар қандай шароитда, то сўнгги нафасгача юракда ёниб туриши, уни ҳеч қачон ўзгартирмаслик ирода— чинакам инсоний фазилатдир. Киши қалбида бу муқаддас туйғу йўқ экан, у бир ичи бўш хумчага ўхшаб қолади, унинг сиртидаги жилваси уч пул! Юрт ва халқ севгиси, она тупроқ севгиси, ғоямизга садоқату қатъийлик, баъзан феълу характеримиздаги ожизликлар бўлиб туришига қарамай, имони бақувватлик, бу—сиз билан биз истаган ўша ҳақиқий инсонийликдир. Мана шу магиз бўлмагач, сиз билан биз ўзимизни камтару меҳнатсевар, ўзгага ёрдам қўлини узатувчи, меҳнатсеварлиги ва ҳаёт ҳаракатини ҳеч ким ҳеч нарсага алмаштирмаслиги, ҳеч ким ҳеч нарсага ўзгартирмаслиги ирода— чинакам инсоний фазилатдир. Киши қалбида бу муқаддас туйғу йўқ экан, у бир ичи бўш хумчага ўхшаб қолади, унинг сиртидаги жилваси уч пул! Юрт ва халқ севгиси, она тупроқ севгиси, ғоямизга садоқату қатъийлик, баъзан феълу характеримиздаги ожизликлар бўлиб туришига қарамай, имони бақувватлик, бу—сиз билан биз истаган ўша ҳақиқий инсонийликдир. Мана шу магиз бўлмагач, сиз билан биз ўзимизни камтару меҳнатсеварлиги ва ҳаёт ҳаракатини ҳеч ким ҳеч нарсага алмаштирмаслиги, ҳеч ким ҳеч нарсага ўзгартирмаслиги ирода— чинакам инсоний фазилатдир. Киши қалбида бу муқаддас туйғу йўқ экан, у бир ичи бўш хумчага ўхшаб қолади, унинг сиртидаги жилваси уч пул! Юрт ва халқ севгиси, она тупроқ севгиси, ғоямизга садоқату қатъийлик, баъзан феълу характеримиздаги ожизликлар бўлиб туришига қарамай, имони бақувватлик, бу—сиз билан биз истаган ўша ҳақиқий инсонийликдир. Мана шу магиз бўлмагач, сиз билан биз ўзимизни камтару меҳнатсеварлиги ва ҳаёт ҳаракатини ҳеч ким ҳеч нарсага алмаштирмаслиги, ҳеч ким ҳеч нарсага ўзгартирмаслиги ирода— чинакам инсоний фазилатдир. Киши қалбида бу муқаддас туйғу йўқ экан, у бир ичи бўш хумчага ўхшаб қолади, унинг сиртидаги жилваси уч пул! Юрт ва халқ севгиси, она тупроқ севгиси, ғоямизга садоқату қатъийлик, баъзан феълу характеримиздаги ожизликлар бўлиб туришига қарамай, имони бақувватлик, бу—сиз билан биз истаган ўша ҳақиқий инсонийликдир. Мана шу магиз бўлмагач, сиз билан биз ўзимизни камтару меҳнатсеварлиги ва ҳаёт ҳаракатини ҳеч ким ҳеч нарсага алмаштирмаслиги, ҳеч ким ҳеч нарсага ўзгартирмаслиги ирода— чинакам инсоний фазилатдир. Киши қалбида бу муқаддас туйғу йўқ экан, у бир ичи бўш хумчага ўхшаб қолади, унинг сиртидаги жилваси уч пул! Юрт ва халқ севгиси, она тупроқ севгиси, ғоямизга садоқату қатъийлик, баъзан феълу характеримиздаги ожизликлар бўлиб туришига қарамай, имони бақувватлик, бу—сиз билан биз истаган ўша ҳақиқий инсонийликдир.

2. Ҳа, бизлар фаришта эмасмиз, ҳаммамизнинг ҳам ўзимизга яраша нуқсонларимиз бор. Дунёда тугал яхши ва тугал ёмон одам йўқ. Эскиларнинг, дўлпироқ бўлса ҳам — инсон тупроқдан яралган, фаришталар — нурдан, жинлар— ғуврдан пайдо бўлган, деган гапи бор. Ҳамонки, «тупроқ»дан яралган эканмиз, бу тупроқ ичида хас-чўплар ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам биз инсонларимиз. Мен фаришта бўлмай, «тўпрок»дан яралган инсон бўлганим билан фахрланаман!

Димоғдор одамни ҳамма ёмон кўради. Бу касал ҳозирги пайтда анча кенг тарқалгани сабабли бошқа иллатлардан кўра ҳам мана шу маразни нишонга олганимиз маъқул. Манманлик, кишилардан ўз шахсини юқори қўйиш, ичи қора— ҳасадгўйлик дарди кишини қўтир мушукдек элдан ажратади. Ароқ қонга ўтса, бу дард ҳужайраларга жойлашиб олиб, кишини тез орада обрўсизлантиради. Халқимизнинг қалбингга кибр-ҳаво ружу қилса, қабристонга бор, жигарларингни зиёрат қил, деган гапида катта ҳикмат бор. Манманлик мазаллатига чўмиб, киши ўзидан бошқани кўролмай қолганида она тупроққа қараши керак. Ҳой, ҳумпар, сен партову ғуврдан яралган фаришта эмассан, сен «тупроқ»дан яралган инсонсан. Нечук бунчалик бурнинг фалакка кўтарилиб кетди? Филнинг бурни ҳам шунча ўсгани билан, уни юқорига кўтариб юрмайди. Гарчи у лайча эмас, фил бўлса ҳам! Димоғдорлик фақат кишиларни ранжитиб қолмай, жамиятимиз, юртимиз ишига ҳалакит бермоқда. Кишиларни сиёсатимиздан норизо қилмоқда. Ҳамон бу иллатнинг дарди бедаво экан, ундай шахсни ким яхши кўради?! Димоғдор кимга керак?

3. Ҳа, ҳаётимда бахтиёр дамлар жуда кўп бўлган. Айниқса, бизга ўхшаш олтмиш ёшдан ошган одамлар бахтиёр дамларим бўлмаган, деса, дунёга келиб нима қиларингиз, деган гап ҳам туғилади. Ҳаётимдан жуда ҳам мамнун ва ризоман. Бир кулол ўғли эдим, билим берган, бахту омад берган. йиқилиб қолганимда оёққа турғазган жонажон партиямга ўла-ўлгунимча ташаккур айтаман! Менинг асарларим фақат Тошкентда, она тилимда эмас, Москвада, кардош адабиёт тилларида. социалистик мамлакатларда босилди. Бу, бизнинг мураббиямиз партиянинг шарофати ва ғамхўрлигидандир. Мен, фарзандларим, невараларим, дўстларим, китобларим билан ниҳоятда бадавлат одаман. Яхши дамларим деб, ҳолва еб, мороженое ялаган пайтларимни эмас, ҳозир ва илгари ҳам мингларча китобхонлардан келаётган самимий мактубларда ёзилишича, минглар катори камсуқуму камтарин, бошқалардан ажралиб турай деб, сокол-мўйлаб ҳам қўйган киши эмасман. Кадимий маҳалларнинг жин кўчалари ичидаги хамма ўзбеклар хос сомонли сувок бир уйда туғилиб, увалижували бўлолган кимса жумҳуриятимизнинг узоқ районларида яшовчи нотаниш китобхон юрагига кирган экан, тирикларга буни сезиб турарканман, мен буни бахтиёр дамларим деб атардим.

4. Киши касбига эътиқод қўймаса, ҳеч қачон омади келмайди. Касби туфайли ион еб, фарзанд боқиб, онла тебратаётган киши шу касбини севиб, эътиқод қўйиши керак. Касбга эътиқод, бу ҳам инсоний фазилатларнинг биридир. Мен шундай деб тушунаман. Кексалар фахримиз. Аммо олтмиш етмишга борганлар ҳам оқсоқолларимиз. Фақат тўқсонга кирсанг, сени оқсоқол ҳисоблаймиз, дейиш ҳам инсофдан эмас. Бу ган адабиёт ва санъатга тааллуқли, албатта. Азамат пахтакорлар орасида бир яхши анъана бор: агар пахтакор ишни дўндирган бўлса, минбарларга чиқиб сўзлашдан қочмайди. Агар у ишни дўндиролмаган бўлса, ортиқча гаплардан ўзини тийди, минбарларга ҳам чиқмайди. Бу тантилик менга ёқади. Қалам аҳли ҳам бобо пахтакорлардан ибрат олиши керак. Аркадий Райкин чапак билан тирик. Лекин ўзини билган, катта асарлар устида ишлайдиган ёзувчига ҳалаб студентлар чапаги мотоцикл тарилашидек ҳалакит беради. Шоир йўталса ҳам чапак чаладиганлар бор. Китоб денгизи тубидан жавоҳир излаш эмас, пўрсилдоқ гапга ҳам чапак чалабериш адабиётга муҳаббатни сийқалаштиради.

5. Меҳнат! Фарзандларни меҳнатга ўргатиш керак! Мамлакатимизда энг муҳим ва оғир ишларда ёшлар матонат кўрсатмоқда. Пахтакорлик ишида ҳам асосий куч ёшлар ва зўр соҳа ёшлар қўлида. Ёшлар бизнинг келажагимиз, деган гап ҳам эскирди, ёшлар ҳам келажак, ҳам ҳозирги кунимиздир. Ёш авлод қудратини тўғри йўлга солишда катталар, айниқса ота-оналар чуқур ўйлашлари керак, деб ҳисоблаймиз. Ютуқ бор жойда камчилик ҳам бор. Буржуа ғарбнинг таъсири баъзи ёшларга тез таъсир қилади. Муҳаббатга енгил қараш — бугун тўй, бир ойдан кейин ажралиш... Бу ҳолларга асло чидаб бўлмайди. Отасининг мансаби ёки обрўси, юрт олдидаги ота хизматлари фарзандники эмас! Бу хизмат ва обрўни фарзанд ҳам келгуси ҳалол меҳнати билан топиши керак. Сен, яхши инсон, ақлли киз— сафдошни изла-гин! Сен, уйида машинаси бор экан, деб молга қарамагин! Баъзилар одам бўлиб, ўқиб, ҳатто фан кандидати бўлганида ўзининг жафокаш хотинини ташлаб, оёғининг тирноғигача бўййдиган таннозга уйланиб олганлар ҳам йўқ эмас. Бундайларнинг тарбияси бузук, инсонийлиги йўқ кимсалар экани кейинчалик маълум бўлиб колди.

6. Бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз, деган саволга жавоб топиш мен учун жуда ҳам кийин бўлмоқда. Албатта мен футбол кўриш учун эрталаб Олмаотага учиб бориб, кечкурун кайтиб келадиган ашаддий ишкибозлар тоифасидан эмасман. Уларга ҳавасим келади. Ўзи, бўш вақтимда эрталабдан кечгача шахмат клубида ёки чойхонада ўтиролмайман. Лекин камина спортлар ичида боксни яхши кўрадилар. Шу сабабли мен СССР бокс командасининг «болелщиги»ман. Айниқса жаҳон чемпиони Р Рисниевни жуда ҳурмат киламан. Кани энди ҳар куни бокс спорти бўлаверса. Инсон ниҳоятда мураккаб. Баъзан киши эрталабки ўн минутлик балантарбия ниҳоятда фойда эканлигини билиб туриб ҳам эринади, уни килмайди. Аммо сал-пал эт-ғеги огриса врача югуриб боради, шу оғриб турган лаҳзани ўйлайди. Шунинг учун ҳам биз, айниқса зиёлилар бу масалада авлиёмиз. Яхши дорилар бор, касал бўлсак ўшаларни ишлатамиз, деб эрталабки балантарбия ёки анҳорга бориб чўмилишдек гоят яхши ва фойдали ишни қилмаймиз. Худо сокол улашганида эчкига энг узуни текканидек, ёзувчи халқига ҳамма нарсани бериб, бўш вақт бермаган. Ёзувчи бўш вақтида ўйлайди. У кетмон чопаётганида ҳам, юзини ювиётганида ҳам, самолётда — булутлар тепасида учиб кетаётганида ҳам ўйлайди. Албатта бангиларга ўхшаб эмас! Адиб хаёлан ўз одамлари (персонажлари) ичида юради, гаплашади. маслаҳатлашади, уларнинг хаёти билан кизикали. Хаёл дарёсига чўмиб колган адибни Маяхунга чикариб, устидан кулиш ҳам тўғри эмас. Агар каминага, бир лаҳза бу дунё ташвишларидан ҳоли пайтингизда нима килиб берсак хурсанд бўласиз, дейилса, менинг ўйлашимга шароит яратиб беринг, дердим. Ўйлаш керак, дўстлар, ўйлаш фақат ёзувчилар учун эмас, хамма учун хам керак Эрталабки балантарбиядек у хам жуда зарур. Ўйлаш. фикр килиш хам саодатнинг калитидир.

Ишхона — иккинчи уйимиз

Бир онлик дўст дийдорини бахтга ҳисоб этарман,
Усиз ғаму аламдир— шодлик куни нетарман.

Камол ХЎЖАНДИЙ.

Пўлатдек тобланган...

«Чинакам коллективизм ва ўртоқлик, мамлакатдаги барча миллатлар ва халқларнинг кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган жипслиги, бизни кучли, бардам қилаётган маънавий соғломлик, буларнинг ҳаммаси турмуш тарзимизнинг ёрқин қирраларидир». Хизмат юзасидан ҳар сафар бу корхонага келганимда ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу сўзлари нечоғлиқ ҳақ эканлигининг гувоҳи бўламан. «Ташсельмаш» заводида кўп минг киши ишлайди, улар турли миллат вакилларидан иборат: ўзбек, рус, татар, қозоқ, тожик, қирғиз ва ҳоказо. Улар бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ, ҳамжиҳат ва дўст. Улар ягона бир коллективга метиндек бирлашиб, эзгу мақсад йўлида тер тўкишяпти, корхона шоншуҳрати, унинг шарафи учун курашяпти. Корхонада коллективни жипслаштиришга, корхонанинг шуҳрати учун курашишга чорловчи ўз касбининг усталари бор. Машинасозлар уларни севиб, ардоқлаб, ҳурмат билан «Уста», «Устоз» деб ардоқлашади. Масалан, 15-механика-йигув цехининг мастери, ёшларнинг севимли устози, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим ота Юсупов, 14-шпинделлар цехининг чархловчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, мураббий онахон Наталья Александровна Удалова, 27-асбобсозлик цехи мастери, Ленин ордени, Октябрь Революцияси, «Ҳурмат Белгиси» орденлари кавалери Фозилжон Солиҳўжаев, 10-цех тунукасозлар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мўйдинов ва бошқа юзлаб мураббийлар ўз корхонасини ўзларининг иккинчи уйи деб билиб, унинг шарафи учун курашаётганларнинг олдинги сафида боришяпти.

Мураббийлик, бу гоят мураккаб ва шарафли иш. Масалан, бир участкада эллик киши ишласа, уларнинг ҳар бирининг характери, психологияси ҳар хил. Улар билан тўғри муомалада бўлиш, уларда ишчи характерини шакллантириш, меҳнатга кўникма ҳосил қилиш — умуман уларнинг қалбига йўл топа билиш корхона учун жон куйдиришга ўрғатиш осон иш эмас.

— Мен, — дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мўйдинов, — заводимизсиз ўз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Шу ерда, меҳрибон қадоқ қўлли кишилар орасида ўсдим, улғайдим. Улардан кўп нарсаларни ўргандим. Дўстлар орттирдим. Энди уларсиз бир минут ҳам ҳаётимни тасаввур этолмайман. Гоҳида иккинчи сменага бориш керак бўлади. Шундай пайтларда уйда ўтиролмай қоламан. Тезда заводга, мен учун қадрдон бўлган корхонага, севимли коллективим — дўстларим қошига ошиқаман. Уларнинг меҳри мени оҳаягрободек ўзига муттасил тортиб туради.

Ҳақиқатан ҳам бу завод коллективи тимсолида пўлатни тасаввур этаман. Бу ердаги ҳамжиҳатликка, ўртоқликка, ўзаро дўстона вазиятга, иноқликка ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Шу кунларда машинасозлар бир мақсад йўлида — пахтакорларимизга кўплаб «зангори кема»лар етказиб бериш учун астойдил тер тўкмоқдалар.

Корхонадан чиқар эканман Фариддин Атторнинг қуйидаги байти ҳаёлимдан ўтди:

Ким агар дўстлар билан якдил бўлур,
Барча максуди анинг ҳосил бўлур.

Т. ТОШЕВ.

Дилрабо куй, дилбар қизлар хонини кимин мафтун этмайди дейсиз. Дуторлардан таралган мусиқа қалбга ором, дилларга илҳом беради. Ўзбекистон телевиденнеси ва радиоси қошидаги дуторчи қизлар ансамблининг хушовоз хонандалари, моҳир созандалари хонадонларимизга ўз куй ва қўшиқлари билан файз киритмоқда.

СУРАТДА: ансамбль «Куйла, дуторим» қўшиғини ижро этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

3 Тошкент ёшлар оқшоми

3 СЕНТЯБРЬ, 1981 й.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
1982 йил учун АҲОЛИДАН СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

Обуна «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларида, алоқа бўлимларида ва иш ҳамда ўқиш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮПЕЧАТЬ» бошқармаси.

Киев граждан авиацияси инженерлари институтининг ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИДА СИРТДАН ЎҚУВЧИ СТУДЕНТЛАРГА **имтиҳон сессияси даврида — 7 сентябрдан 19 октябргача**

ТУРАР ЖОЙ КЕРАК

Турар жой ҳақи — шартнома бўйича тўланади.

Таклифлар билан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри 33-алоқа бўлими, Гоголь кўчаси, 77-уй. Телефонлар: 33-06-39, 33-47-13.

ЭСДАЛИККА УЗУК

Қадимги доно, паҳлавон, кишиларга олов ҳадя этган Прометей хотираси ҳақидаги афсонага биноан узук тақамиз. Худо томонидан берилган жазо деб Прометейни қояга занжирбанд қилишади ва уни бургут тилка-пора қилиб ташлайди. Буюк Геракл Прометейни озод этди, занжирларни парчалаб ташлади, лекин занжир излари баҳодир билакларида сақланиб қолди...

Қадимий Грецияда, кейинчалик Римда аёлларга тақиш учун рухсат этилган дастлабки тилла буюм энг бой ва таниқли аёл бўлса ҳам қуёв томонидан тақдим этилган узук бўлган.

Русларда қадим-қадимдан эр-хотин иттифоқини узук билан мустаҳкамлаш расм бўлиб келган. Янги келиннинг ўнг қўл бармоғига узук тақиш баробаринда, унга бундан буён уй бекаси бўлиб, хўжалик ишларини олиб бориш ҳуқуқига эгалиги рамзи сифатида калит ҳадя этишган.

Никоҳ узугини қуёв келин, келин қуёв бармоғига тақиб қўйиши чиройли, таантанали, қалбга етиб борадиган маросимдир.

НИКОҲ УЗУГИ — абадий севги, садоқат, никоҳ иттифоқини бузмаслик рамзидир.

НИКОҲ УЗУГИ — ҳамма томонидан эътироф этилган ва энг кўп удум бўлган тақинчоқдир. Уни доимо бармоқда тақиб юрадилар.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

«ОЛМОС» ЧАКАНА-САВДО БИРЛАШМАСИ

Ўз магазинларига чорлайди ва ҳамма размердаги 583 ва 375 пробали никоҳ узукларини тавсия этади!

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1 — «ИЗУМРУД» — Т. Шевченко кўчаси, 31-уй.
2 — «РУБИН» — Б. Хмельницкий кўчаси, 56-уй.
10 — Октябрь бозори.
13 — Навоий кўчаси, 1-уй.
14 — Олой бозори.
17 — Госпиталь бозори.
18 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
22 — Мукимий кўчаси, 22-уй.
26 — Бешоғоч бозори.
27 — Ленин кўчаси, 40-уй.
36 — Куйбишев кўчаси, 5-уй.
37 — Чилонзор массиви, квартал Г 9«А», 20-уй.

«ОЛМОС» ЧАКАНА-САВДО БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ 1-ТАЖРИБА ЭКСПЕРЕМЕНТАЛЬ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ ВА ЎЗСТРОЙИНДУСТРИЯ САНОАТ БИРЛАШМАСИНИНГ ЭКСПЕРЕМЕНТАЛЬ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

слесарь-ремонтчилар, темирчилар, прессчилар, электр обмоткачилар, металл конструкциялари бўйича мастерлар, слесарь-йиғувчилар, электр пайвандловчилар, токарлар, фрезерчилар, йўнувчилар, электромонтёрлар, қуюв ишлаб чиқаришнинг пайвандлаш ишлари бўйича мастерлари, металларни совуқ усулда ишлаш; қуюв цехи ишчилари (пультловчилар, ер ишловчилар, қуювчила р, вагранщиклар), кранчилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 1-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА

кўприк ва ўзи юрар кранларнинг кранчилари, арматурачилар, бетончи-қолипловчилар, электр пайвандчилар, слесарлар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ТОШКЕНТ БУЛКА-КОНДИТЕРЛИК КОМБИНАТИГА

слесарлар, газ-электр пайвандчилар, 4-5 разрядли электрчилар, юк ташувчилар, булка цехи ва саноат биноларини тозалаш бўйича ишчилар, печеньеларни қадоқловчилар, тешик кулча цехининг ишчилари, сувни химиявий тозалаш лаборантлари.

ТОШКЕНТ СУТ САНОАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

бош бухгалтер, катта бухгалтер, катта инженер-механик, машинистсалар, слесарь-созловчилар, электромонтёрлар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича электрослесарлар, юк ташувчилар, ишлаб чиқариш цехларининг ишчилари.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИГА

контроль-ревизия секторининг бошлиғи, катта ревизорлар, инженер-қурувчи, товаршунос, экономистлар, бош бухгалтер ўринбосари, бухгалтер, таъминот бўйича инженерлар, ҳисобчилар, секретарь-машинисткалар, саноат комбинатида ишлаш учун тукувчи мотористкалар, Нукус шаҳрида ишлаш учун бош бухгалтер (квартира бериш шарти билан).

МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IX да — **Келинлар кўзголони**, 4/IX да **Ганг дарёсининг қизи**, 5/IX да — **Ун учинчи раис.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

3 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — **Дружба.**
«МОСКВА, СЕНИНГ ТЕЛЕФОНИНГ» — **Қозоғистон.**
«ПАСТОР СИРҒАНЧИҚ ЙЎЛДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ» — **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«СЕВГИ ҲАҚИДА УЧБОРА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).
«О, СПОРТ, СЕН БИР ОЛАМСАН» — **Лисунов номли** (17, 20.00).
«ОРИОН СИТМОҒИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).
«ФАВҚУЛОДДА ВОҚЕАЛАР» — **Искра** (16, 18, 20.00).

4 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — **Дружба.**
«МОСКВА, СЕНИНГ ТЕЛЕФОНИНГ» — **Қозоғистон.**
«ПАСТОР СИРҒАНЧИҚ ЙЎЛДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ» — **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«СЕВГИ ҲАҚИДА УЧБОРА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).
«ОРИОН СИТМОҒИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).
«ФАВҚУЛОДДА ВОҚЕАЛАР» — **Искра** (16, 18, 20.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

6 СЕНТЯБРДА

43-мавсум очилади

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

6/IX да — **Гулсара.**
7/IX да — **Дилафрузга тўрт ошиқ.**
9/IX да — **Олифта.**
10/IX да — **Тўйдан олдин томоша.**
11/IX да — **Тошкентнинг нозанин маликаси.**
12/IX да — **Ишонмасанг ўланман.**
13/IX да — **Ур тўқмоқ** (16.00) да **Хизматингизга тайёрмиз** (19.30).
14/IX да — **Гулсара.**
16/IX да — **Ўжарлар.**
17/IX да — **Ҳижрон.**

Спектакллар соат 19.30 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Бутуниттифоқ гидромашинасозлик илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технологик институтининг (СредазВНИИГидромаш) ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ **вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лаборатория мудирлари: ўқли насослар, марказдан қочирма насослар, гидромашиналарни синаш; сифат ва мустаҳкамлик бўлими **катта илмий ходими.**

Конкурс муддати — 22 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Наримонов шаҳри, Лихачев кўчаси, 41-уй.

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ **вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқитувчилар: электрорадиотехника, радиолокация, агрометеорология, жисмоний тарбия, рус тили ва адабиёти.

Конкурс муддати — 20 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, З. Боболов кўчаси, 45-уй (14, 48-автобуслар; 2, 7, 10-троллейбуслар; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати). Телефонлар: 48-07-21, 48-37-10.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИНИНГ **ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИ** (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй) ҚУЙИДАГИ ОБУНА НАШРЛАРИГА **ОБУНА УТКАЗАДИ**

А. ТОЛСТОЙ. 10 томда. 1 сўм бай пули берилади.
А. ЗЕГЕРС, 6 томда. 1 сўм бай пули берилади.
Э. ХЕМЕНГУЭЙ, 4 томда. 1 сўм бай пули берилади.

Обуна ютуғида қатнашиши истовчилар 5 сентябрь соат 10.00 дан 18.00 гача рўйхатга ёзилишлари лозим.

Обуна ютуғи 6 сентябрь соат 10 да ўтказилади.

Рўйхатга ёзилиш пайтида маҳаллий прописка ва паспорт бўлиши шарт.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари учун обуна ютуғи 7 сентябрь соат 17.00 да ўтказилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ФАВҚУЛОДДА ВОҚЕАЛАР»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМНИ

ЧИҚАРДИ

Режиссёр — Е. ВАСИЛЬЕВ.

Ролларда: А. ВАСИЛЬЕВ, И. ВЛАДИМИРОВ, В. ЗАКЛУННАЯ ва бошқалар.

Нефть бошқармасининг бошлиғи Батукин янги заводнинг ўз вақтида қурилиб ишга туширилишини таъминлаш мақсадида бунёд этилаётган нефть қувурининг шахобчаларидан бирини товар паркига ўтказиш тўғрисида буйруқ олади. Лекин заводни узлуксиз нефть билан таъминлаб туриш учун товар паркининг қуввати ҳали етарли эмас эди. Бутун парк территориясининг газ билан кучли ифлосланиши оқибатида бензавод ортлаб кетади ва ҳайдовчи ҳалок бўлади. Батукин товар парки ҳали реконструкциядан чиқарилмас экан, министрликнинг буйруғини бажаришдан қатъий бош тортади. Унинг давлат манфаатларини кўзлаб тутган изчиллиги ғалаба қилади: кечикиб бўлса ҳам ишга туширилган нефтни қайта ишлаш заводи нефтни узлуксиз оладиган бўлади.

СВЕРДЛОВ КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ТАШХЛЕБТОРГ»нинг ҚАФЕТЕРИЯ БЎЛИМЛАРИДА

Кондитерлик маҳсулотлари, нон-булка маҳсулотларини сотиш бўйича кичик сотувчилар тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга 1 ва 2 ойда 52 сўм 50 тийин, 3 ойга эса — 56 сўм стипендия берилади.

Курсларга 8 — 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар қабул қилинади.

Курсларни битирганларга Совет савдо техникумига кириш учун имтиёзлар берилади.

Курсларга кирувчилар: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ҳажмидаги 2 дона фотосуратларни **топширадилар.**

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Тимирязов кўчаси, 28-уй (2, 16, 25-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри», 3, 22, 23, 29-трамвайлар ва 19, 47-автобусларнинг «Ташхлебторг» бекатлари). Телефон 35-41-31.

ПОЙАФЗАЛИНГИЗНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ КЕРАКМИ?

Ленин проспектидаги 40«в»-уйнинг биринчи қаватида жойлашган пойафзалларни ремонт қилиб берувчи

703-УСТАХОНАГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ



Бу ерда сизнинг пойафзалингизга янги пошна, тағчармларини янгилаб, сўкилган чокларни қайтадан тикиб, таг пошналарни ремонт, супинаторини ўзгартириб тикиб бериш хизматлари кўрсатилади.

- Пойафзал ремонти — 1—8 кун ичида, ёки шошилинч ўша заҳоти буюртмачининг иштирокида қилиб берилади.

Бу ерда Сизга малакали мутахассислар хизмат кўрсатишади.

«ИЛҒОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

2-АВИАЦИЯ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти авиация саноати учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, программа билан бажариладиган станокларнинг оператори, токарь-йўнувчи, токарь (токарь-револьверчи, токарь-каруселчи) — программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, слесарь-ремонтчи, фрезерчи (токарь-йўнувчи); программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматиканинг созловчиси (программа билан бошқариладиган станокларнинг созловчиси).

БИЛИМ ЮРТИГА 15—25 ЕШДАГИ, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати: 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йил. Билим юртини битирувчилар тугалланган ўрта маълумот билан бир йўла ихтисослик дипломини оладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар шу соҳа бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар, 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

Уч йиллик ўқиш муддатига қабул қилинган ўқувчилар овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумотлилар эса ойига 64 сўм 70 тийин ҳажмида стипендия оладилар.

Билим юртида Тошкент шаҳридаги ана шу соҳага оид олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлов курслари ишлайди. Барча ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида бўлганларида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар. Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Программали ускуналар билан таъминланган, янги техника воситалари билан жиҳозланган 13 та фан кабинети бор. Бокс, эркин ва классик кураш, футбол, волейбол, эшкак эшиш спорт секциялари ишлайди. Бадиий ҳаваскорлик, вокаль-чолғу ансамбллари, авиамоделизм тўгаракларида бор.

Билим юртини битирганлар Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти, шунингдек бошқа олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларига имтиёзли шароитда киришлари мумкин.

Ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин уларга В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ихтисосликлари бўйича иш берилади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тошкент областидан келган ўқувчилар ётоқхоналардан жой оладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: гувоҳномалар: туғилганлиги тўғрисида (ёки паспорт), маълумоти тўғрисида справкалар: ота-онасининг (бирортаси) иш жойидан, турар жойидан: мактабдан характеристика, таржимаи ҳоли, 8 та фотосурат (4х5 см).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, Авиация проезди, 10-уй. Телефон 41-89-01.

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ: саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, металлар бўйича токарь, механика йиғув ишлари слесари (станокли ва слесарли ишларнинг разметкачи-контролери), электр ускуналарга хизмат курсатиш бўйича электр монтёр, қўлда пайвандлаш бўйича электр пайвандчи, ярим автомат машиналарда ишловчи электр пайвандчи, пайвандлаш ишларининг контролёри, фрезерчи, штамповкачи, қуюв ишлаб чиқаришнинг қолиповчиси.

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ЙИЛ ВА УЧ ЙИЛ.

Билим юртини 3 йил муддат билан битириб чиққанлар ўрта маълумот тўғрисида аттестат ва иккита аралаш ихтисослик бўйича диплом оладилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси давомида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини 4—5 баҳолар билан битирганлар имтиёзли шароитда олий ўқув юртларига кирадилар. 10-синф ҳажмида маълумоти билан билим юртини битирганлар билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат оладилар. Ўрта мактабларни битирган ўқувчилар ойига 76 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланади. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

15 ДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт), 8-синфни тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома (10-синфни тугатганлиги тўғрисида аттестат), справкалар: турар жойидан, саломатлиги тўғрисида, фотосурат (3х4 см, ҳажмида), автобиография.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Билим юртининг адреси Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 24, 44, 60, 72, 112, 115-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

3 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

18.15 Кабарда-Болкар АССРнинг 60 йиллигига, «Менинг Кабарда-Болкариям». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.45 Кабарда-Болкар АССР санъат усталарининг концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Жасорат». Совет гвардиясининг 40 йиллигига. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи В. В. Карпов олиб боради. 20.00 «Халқ оҳанглари». 20.15 «Экономика тежамли бўлиши керак». 20.25 «Лаҳзанинг тузилиши». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Лаҳзанинг тузилиши». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 Велосипед спорти бўйича жаҳон чемпионати. Трек. Прагадан олиб кўрсатилади.

Марказий телевиденининг учинчи ва тўртинчи программаси

19.30 «Сизни қизиқтирган китоблар». 20.00 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.30 «Тхонг Лонг» Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти (Вьетнам). 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Севги оҳанглари». Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевиденнесининг программаси.

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қуёшнинг кўзгудаги акси». Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 19.00 «Нонна асранг». Муаммолар ва мулоҳазалар. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Кинередакция почтасидан». 20.30 «Ахборот». 20.50 Гулнора Одилова ва Илҳом Собиров иштирокида концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб оламиз». 22.25 «Романтика» телевизион театри. Н. Ҳикмат. «Ажал шамшири». 1-қисм. 23.35 Бокс бўйича СССР чемпионати. Репортаж (ёзиб олинган). 00.15 Кўрсатувлар программаси.

4 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Ўсмирлар иқоди». 10.35 «Лаҳзанинг тузилиши». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.45 Янгиликлар. 13.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси: «Атоммаш» — бригада» (Ростов-Дон). «Заводим-фахрим» (Тошкент). 16.00 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси академик рус халқ чолғу оркестрининг чиқиши. 16.20 «Москва комсомолининг ишлари». 16.50 «Шарқнинг етти гўзали» Фильм-концерт (Тошкент). 17.15 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Чумоли ва бурганинг янги саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.

18.45 «Поэзия». С. Островой туғилган кунининг 70 йиллигига. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Хоккей бўйича Халқаро турнир. «Канада кубоги». СССР — Швеция терма командалари. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Бу ажойиб олам». СССР халқ артисти Н. Тимофеева иштирокида фильм-концерт премьераси. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 Чет эл эстрадасининг қўйлари ва оҳанглари. 23.45 Спорт программаси: дзю-до бўйича жаҳон чемпионати. Нидерландиядан олиб кўрсатилади. Велосипед спорти бўйича жаҳон чемпионати. Трек. Прагада олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Биология. «Биология нимани ўрганади». 12.00 «4 «В»даги сеҳргар». Болалар учун телефильм. 12.30 Биология. «Биология нимани ўрганади» (рус.). 13.00 «Чапай бургутчалари». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сепкилли бола варрак учиради». Мультфильм. 18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мураббийлар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Қаватлар қад кўтармоқда». Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини ривожлантириш ҳақида (рус.). 20.30 «Ахборот» 20.50 Қори. Ёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари» 22.35 «Романтика» телевизион театри. Н. Ҳикмат. «Ажал шамшири», 2-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳар адвокатлар коллегиясининг президиуми ва Тошкент шаҳридаги юридик консультацияларнинг коллективлари собиқ адвокат

Тожихон СОДИҚОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар адвокатлар коллегиясининг президиуми ва Тошкент шаҳридаги юридик консультацияларнинг коллективлари собиқ адвокат

Зуҳра МУСЛИМОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси коллективи аппаратнинг кекса ходими А. О Охунжоновга рафиқаси

Марҳамат ОХУНЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-56-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва харбий-ватанпарварлик ишлари — 33-55-32; хатлар — 33-29-70; аъзолик бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 39-90-50.

3 СЕНТЯБРЬ, 1981 й. Р — 03146. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси Тошкент шаҳри. индекс 64581. В — 2198.